

**“Ўздавнефтгазинспекция” юкланган вазифаларни тизимли равишда  
ташқил этиш ишларини янада яхшилаш бўйича**

**Техник кенгаш**

**ТАРКИБИ**

<b>Кенгаш раиси, “Ўздавнефтгазинспекция” бошлиғи</b>	Л.Акбарходжаев
<b>Кенгаш раиси ўринбосари, “Ўздавнефтгазинспекция” бошлиғи ўринбосари –</b>	Н.Маҳмудов
<b>Кенгаш аъзолари:</b>	
Бош ҳисобчи	Т.Нуритдинов
Инспекция бош технологлари	Х.Исмоилов А.Менглибаев
Марказий инспекторлик бўлими бош технологи	Ш.Норбеков
Сирдарё ҳудудий бўлими бош технологи	А.Хожиматов
Бухоро ҳудудий бўлими бош технологи	З.Жумаев
<b>Техник кенгаш котиби, Таҳлил, нормативлар ва ишларни ташқил этиш бўлими бош технологи в.в.б</b>	Р.Маннонов

Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, комиссия таркибига уларнинг лавозимга тайёрланган ходимлар киритилади.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MANKAMI HUZURIDAGI  
O'ZBEKISTON NEFT MANSHULOTLARI VA GAZDAN FOYDALANISHNI  
NAZORAT QILISH DAVLAT INSPEKSIYASI  
«OZDAVNEFTGAZ INSPEKSIYA»

Б У Й Р У Қ № 88- и/ч

2014 йил 25 сентябрь

Тошкент шаҳри

“Ўздавнефтвазинспекция”нинг  
Техник кенгашини тузиш  
тўғрисида”

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 13 июлдаги  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть  
маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси  
фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги 328-сонли қароридида  
белгиланган вазифаларни тизимли равишда ижросини таъминлаш мақсадида:

**Б У Ю Р А М А Н**

1. “Ўздавнефтвазинспекция”га юкланган вазифаларни тизимли равишда  
ташқил этиш ишларини янада яхшилаш мақсадида иловача асосан Техник  
кенгаш тарқибни тасдиқлансин.

2. “Ўздавнефтвазинспекция”нинг Техник кенгашига:

Инспекция тизимида нефть маҳсулотлари ва газ сотиш ҳамда улардан  
фойдаланиш бўйича қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий  
ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилиш;

энергияни тежовчи давлат дастурларини, нефть, газ, газ конденсати ва  
уларни қайта ишлаш маҳсулотларидан фойдаланиш масалалари бўйича  
лойиҳалар ва тадбирларни ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширилишини  
ташқил этиш;

нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш  
объектларини (қурилмаларини) монтаж қилиш ва улардан фойдаланишда  
технология талабларига риоя этилишини тизимли равишда назорат қилишни  
йўлга қўйиш бўйича тақлифлар тайёрлаш;

нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланиш, уларни сотиш, шунингдек  
нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш  
объектларини (қурилмаларини) монтаж қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича  
норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ишларини янада яхшилаш чораларини  
қўриш бўйича тақлифлар киритиб бориш;

инспекция ходимлари малакасини ошириш юзасидан тақлифлар киритиш;  
инспекция фаолиятига боғлиқ ишлаб чиқилган қондалар, йўриқномалар ва  
Низомларга ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш масалаларида Техник  
кенгашга тақлифлар киритиш ва йиғилишларда уларни тасдиқлаш;

Техник кенгаш йиғилишларида инспекциянинг марказий ва худудий  
бўлимлари фаолиятини кўриб чиқиб, унга тегишли баҳо бериш;  
инспекциядаги муаммолар масалаларини ечиш бўйича қарорлар қабул  
қилиш;

марказий ва худудий бўлимлар томонидан амалга оширилаётган ишларни  
бажарилишида қатта ҳисса қўшаётган инспекция ходимларини рағбатлантириш  
ёки йўл қўйилаётган камчиликлар бўйича ходимларга қўшимчиликда белгиланган  
тартибда интизомий жазо чораларини қўриш юзасидан тақлифлар бериш ҳамда  
ишни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

Бир ой муддатда Техник кенгашнинг Низомини ишлаб чиқиш вазифаси  
юклансин.

3. “Ўздавнефтвазинспекция”нинг 2009 йил 16 июндаги 42-сонли буйруғи ўз  
қучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш бошлиқ ўринбосари  
Н.Махмудов зиммасига юклатилсин.

Бошлиқ

Л.Ақбарходжаев